



Ислом Нури

Аллоҳ таоло айтади:

«Уларнинг кўп махфий суҳбатларидан — агар садақа беришга ё бирон яхшилик қилишга ёки одамлар ўртасини ислоҳ қилишга буюрган бўлмасалар — ҳеч қандай фойда йўқдир. Ким Аллоҳ ризосини истаб бу ишларни қилса, унга улуғ мукофот беражакмиз» (Нисо: 114).

«Не бир нарсани инфоқ-эхсон қилсангизлар, бас (Аллоҳ) унинг ўрнини тўлдирур» (Сабаъ: 39).

Аллоҳ таоло айтади: «Уларнинг кўп махфий суҳбатларидан — агар садақа беришга ё бирон яхшилик қилишга ёки одамлар ўртасини ислоҳ қилишга буюрган бўлмасалар — ҳеч қандай фойда йўқдир. Ким Аллоҳ ризосини истаб бу ишларни қилса, унга улуғ мукофот беражакмиз» (Нисо: 114).

Абдуллоҳ ибн Шиххир розияллоху анҳудан ривоят қилинади: Набий соллаллоху алайҳи ва саллам ҳузурларига бордим, у зот: «Такасур» сурасини ўқиётган эканлар. Айтдилар: «Одамзот: «молим, молим» дейди. Эй одамзот, молингдан фақат еб-тугатганинг ё кийиб-эскиртирганинг ёки садақа қилиб, (охиратингга) ўткизиб қўйганинггина сен учундир!» (Имом Муслим ривояти).

Аллоҳ таоло айтади: «Уларнинг кўп махфий суҳбатларидан — агар садақа беришга ё бирон яхшилик қилишга ёки одамлар ўртасини ислоҳ қилишга буюрган бўлмасалар — ҳеч қандай фойда йўқдир. Ким Аллоҳ ризосини истаб бу ишларни қилса, унга улуғ мукофот беражакмиз» (Нисо: 114).



Ислом Нури

Бир киши дашт ерда борар экан, бир булутдан: «Фалончининг боғини суғор» деган овоз эшитди. Шунда булут бир тарафга бурилиб, бир ҳаррага (яъни, ғадир-будир қора тошлоққа) сувини қуйди, тошлоқдаги ариқ сувга тўлиб оқди. Қараса, бир киши боғида туриб, сувни кетмони билан тарамокда экан. Унга: «Эй Аллоҳнинг бандаси, исминг нима?», деди. У: «Фалончи» деб булут ичра эшитган исмни айтди, сўнг: «Эй Аллоҳнинг бандаси, нега исмимни сўрадинг?», деди. «Мен мана шу ёмғирни қуйган булут ичра: «Фалончининг боғини суғор», деб сенинг исминг айтилганини эшитдим. Сен бу боғ хусусида нима амал қиласан?», деди. «Мен бу боғдан чиққан ҳосилнинг учдан бирини садақа қиламан, учдан бирини аҳли-оилам билан ейман, учдан бирини унга қайтараман (уруғликка олиб қўяман)», деди (Имом Муслим ривояти).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Бир киши дашт ерда борар экан, бир булутдан: «Фалончининг боғини суғор» деган овоз эшитди. Шунда булут бир тарафга бурилиб, бир ҳаррага (яъни, ғадир-будир қора тошлоққа) сувини қуйди, тошлоқдаги ариқ сувга тўлиб оқди. Қараса, бир киши боғида туриб, сувни кетмони билан тарамокда экан. Унга: «Эй Аллоҳнинг бандаси, исминг нима?», деди. У: «Фалончи» деб булут ичра эшитган исмни айтди, сўнг: «Эй Аллоҳнинг бандаси, нега исмимни сўрадинг?», деди. «Мен мана шу ёмғирни қуйган булут ичра: «Фалончининг боғини суғор», деб сенинг исминг айтилганини эшитдим. Сен бу боғ хусусида нима амал қиласан?», деди. «Мен бу боғдан чиққан ҳосилнинг учдан бирини садақа қиламан, учдан бирини аҳли-оилам билан ейман, учдан бирини унга қайтараман (уруғликка олиб қўяман)», деди (Имом Муслим ривояти).

Шарҳ:

Садақанинг барча тури яхшилик, у молга барака киришига ва ризқ келишига сабабдир. Инсоннинг ҳақиқий моли – инфоқ-эҳсон қилиб юборган молдир, чунки қиёмат куни ғоят муҳтож бўлиб турган



ҳолида уни ўз олдида топади.

Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:

1. Садақанинг фазли;
2. У молнинг униб-ўсишига ва барака ёғилишига сабабдир;
3. Мусулмон кишининг ҳақиқий фойдага қолган моли инфоқ-эхсон қилган молдир.